

ЗАМОНАВИЙ КЕНГАШ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ РЕГЛАМЕНТЛАР

Ахмедов Туйчи Адашевич,

Доцент, Жиззах давлат педагогика университети, Ўзбекистон

tuychi_axmedov@mail.ru

Ўзбекистон давлатчилигида мавжуд бўлган кенгаш институти билан боғлиқ тартиб-таомиллар асрлар давомида сайқалланиб келган. Айрим сиёсий қадриятлар борки, унинг қиммати ва аҳамияти ҳеч қайси замонда йўқолмаган. Масалан, ёши катта ва юқори тажрибага эга бўлган шахслар билан маслаҳатлашув ёки кенгаш иштирокчилари томонидан билдирилган таклифларни тасдиқлашда кўпчиликнинг хоҳиши. Умуман регламент кенгаш институтининг муҳим қисми. Чунки кенгашларни чақириш, ташкил этиш, муҳокама жараёнини бошқариш, қарор чиқариш ва қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш аниқ белгиланган қоидалар асосида тартибга солинган. Бугунги замонавий кенгашларда мана шу тартиб-қоидаларнинг кўпчилиги сайқалланган ҳолатда яшайпти. Ҳақиқий демократияни сақлашнинг асосий шarti институтлар эмас, балки одатлардир. Аммо, Токвилнинг фикрига кўра, институтлар ўз навбатида тегишли одатлар ва анъаналарнинг ривожланишига таъсир қилади ва бу воситалардан фойдаланиш демократиянинг зарарли тенденцияларини фалаж қилиши ва эркинликни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин¹. Кенгаш институти ҳам ўзида бир қатор сиёсий қадриятларнинг яшовчанлигини таъминламоқда. Гап сиёсий жараёнларнинг ёки ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг устувор вазифалари муҳокамаси ҳақида борар экан кенгаш институтининг иши пухта ва пишиқ бўлиши учун регламент ўрнатилиши табиий ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳар бир кенгаш институтини йиғилиш даврийлиги белгилаб қўйилади. Масалан, Президент ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги кенгаши ҳар чоракда², Президент ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши ялпи мажлислари йилда бир марта, оралиқ мажлислари – йилида камида икки марта³, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессиялар вақтида қоида тарихида ҳафтасига уч марта⁴, Сенат йилида камида икки марта⁵, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари

¹ Токвиль А. Демократия в Америке. –М.: Прогресс, 1999. –С.108.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 сентябрдаги “Стратегик ислохотларни жадаллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-216-сон Фармони// <https://lex.uz/uz/docs/6188642>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4519-сон Қарори// <https://lex.uz/docs/4593911>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламентига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қарори, 29.01.2016 йилдаги 368-III-сон// <https://lex.uz/docs/3750946#3751029>

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон республикаси олий мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги қонуни, 29.08.2003 йилдаги, 523-II-сон// <https://lex.uz/acts/60232>

сессиялари йилида камида икки марта, Вазирлар Маҳкамаси Раёсати ҳар чоракда бир марта, Олий суд Пленуми тўрт ойда камида бир марта йиғилиш ўтказилади⁶. Айрим кенгаш институтлари заруратга қараб мажлисини ташкил этади, аввалдан муддатлар белгиланмайди. Масалан, Судьялар Олий Кенгаши “мажлиси ўз ваколатига қирадиган масалаларнинг тайёрланишига қараб ўтказилади”⁷. Қонунчилик палатасининг мажлислари унинг Регламентида кунларигача белгилаб қўйилган: “Қонунчилик палатасининг мажлислари, қоида тариқасида, сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ўтказилади. Кенгаш ва депутатлар бирлашмаларининг мажлислари, қоида тариқасида, душанба кунлари ўтказилади. Қўмиталар, қоида тариқасида, жума кунлари мажлис ўтказилади”⁸.

Тарихдан биламизки, кенгаш мажлисида иштирок этадиган шахслар рўйхати аниқ бўлган. Кенгаш белгилангач, унинг аъзолари хабардор қилинган ва барча аъзолар ушбу йиғинга қатнашган⁹. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларида, шунингдек уларнинг органлари мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазир, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, республика Конституциявий суди, Олий суди, Судьялар олий кенгаши раислари, Бош прокурори, Марказий банки Бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг органлари мажлисларида Сенат Раиси, Олий Мажлисининг Сенати ва унинг органлари мажлисларида Қонунчилик палатаси Спикери иштирок этиши мумкин. “Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг регламенти”ни 102-бандига кўра, Вазирлар Маҳкамаси мажлисига Конституциявий суд раиси, Олий суд раиси, Бош прокурор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталари раислари таклиф этилиши мумкин. Бошқа мансабдор шахслар Вазирлар Маҳкамасининг мажлисига фақат ўзларига дахлдор масалалар бўйича таклиф қилинадилар. Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ярим йиллик ва йил якунлари бўйича республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларнинг натижаларини кўриб чиқишда, шунингдек, мажлисда республиканинг муайян ҳудудини иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришни таъминлаш билан бевосита боғлиқ масалалар кўрилаётганда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этадилар. Вазирлар Маҳкамасининг календарь йилнинг биринчи чорак ва тўққиз ойлик якунлари

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни// <https://lex.uz/docs/5534923>

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуни, 06.04.2017 йилдаги ЎРҚ-427-сон//<https://lex.uz/docs/3153668>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қарори, 29.01.2016 йилдаги 368-III-сон// <https://lex.uz/docs/3750946#3751029>

⁹ Ахмедов Т. Амир Темури ва темурийлар ҳукмронлиги даврида кенгашни ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-қоидалари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. -2021. –№4. –Б. 57.

бўйича мажлисларида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тегишли масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этадилар. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин¹⁰. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси суди ва Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди раисларидан иборат таркибда иш юритади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Судьялар олий кенгаши раиси, Бош прокурори, адлия вазири, Адвокатлар палатаси раиси, судьялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин¹¹. Муайян ташкилотнинг йиғилишида кўриб чиқиладиган масала моҳиятидан келиб чиқиб, шунга алоқадор ташкилотлар қатнашиши мумкин¹². Юқоридаги маълумотлар асосида бугунги кунда ҳам кенгашда иштирок этувчилар рўйхати аниқ белгиланганлигини айтмоқчимиз.

Замонавий давлатчиликда аксарият кенгаш институтлари аъзолари учун ваколат муддати аниқ белгиланган. Улардан биттаси бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ сайланиши мумкин эмаслиги қоидаси. Ёки кенгаш раиси ёки аъзосининг муайян муддатга сайланиши ҳам қоида тариқасида ўрнатилган демократик талабдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. Ушбу беш йиллик муддат жаҳондаги умумий тенденцияга мос бўлиб, БМТга аъзо 193 мамлакатдан 95 тасида давлат раҳбарлари 5 йил муддатга сайланади¹³. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенат аъзоси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари аъзолари учун ҳам 5 йил белгиланган. Бошқа органларда бу фарқ қилиши мумкин. Масалан, судларда биринчи муддат 5 йил, иккинчи муддат 10 йил, учинчи муддат муддатсиз. Халқ маслаҳатчилари “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 62-моддасига асосан айтиб ўтилганидек, икки ярим йил муддатга сайланади¹⁴. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари эса ҳар беш йилда Олий Мажлис сайловидан кейин ўз вазифасини зиммасидан соқит қилади. Яъни, уларнинг ваколоти кейинги Олий Мажлис сайловигача бўлган муддатни

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 242-сон Қарори//<https://lex.uz/docs/4253101>. Яна қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни// <https://lex.uz/docs/4636594>

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни// <https://lex.uz/docs/5534923>

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 03.10.2019 йилдаги ПҚ-4472-сон//<https://lex.uz/docs/4552053>

¹³ Раҳимова Г. Президентликка номзодга қўйиладиган талаблар: Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар // <https://zamin.uz/jamiyat/90885-prezidentlikka-nomzodga-jiladigan-talablar-zbekistonning-millij-sajlov-onunchiligi-va-halaro-standartlar.html>

¹⁴ Аллаев А. [Халқ маслаҳатчилари судлар фаолияти очиклигини таъминлашга хизмат қилади](https://sud.uz/халқ-маслаҳатчилари-судлар-фаолияти)// <https://sud.uz/халқ-маслаҳатчилари-судлар-фаолияти/>

Ўз ичига олади. Демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай мамлакатда сайланадиган органлар вакиллари халқнинг олдида ҳисобдор. Чунки улар ўзларига берилган муддатда давлат ва жамият ҳаёти учун энг муҳим қарорларни қабул қилади. Биргина нотўғри қабул қилинган қарор ёки мавжуд муаммога нисбатан беписандлик тегишли ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келиши аниқ. Ваколат муддатининг аниқ кўрсатилиши маслаҳатлашув жараёни иштирокчиларининг шахсий масъулиятини ва жавобгарлигини оширади.

Бундан ташқари, кворум масаласида ҳам аниқ тартиб мавжуд. Ўрта асрларда кўрдикки, ҳукмдор бошчилигидаги кенгашларда белгиланган давлат амалдорларнинг келмаслиги ижобий қабул қилинмаган. Замонавий давлатчиликдаги кенгаш институтларида кворум аниқ белгиланган. Ҳар қандай даражадаги кенгашда кворум бўлмаса, мажлис ваколатли ҳисобланмайди. Турли сабаблар (иштирокчининг соғлиғи тўғри келмаслиги, хизмат сафарига юборилганлиги ва бошқа) билан кенгаш иштирокчиси қатнашмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам кворум талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддасига кўра Олий Мажлис Сенати мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Конституциявий қонунларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт¹⁵. Бундай қоида бошқа кенгашларда ҳам бор. Қонунчилик палатасининг мажлислари, агар уларнинг ишида палата депутатлари умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, конституциявий қонунларни қабул қилишда, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт¹⁶. Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади¹⁷. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 11-моддасида келтирилганидек, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари, агар унда тегишинча Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 20-моддасига кўра Қонунчилик палатаси кўмиталарининг мажлислари, агар уларда кўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади ва ҳоказо¹⁸. Келтирилган мисоллардан англашиладики, кворум масаласида икки хил тартиб мавжуд. Биринчиси, мажлис иштирокчиларининг

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси// <https://lex.uz/docs/35869?otherlang=3>

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси регламенти тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни// <https://lex.uz/acts/39573>

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни//<https://lex.uz/docs/112170>

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни// <https://lex.uz/acts/51961>

ярмидан кўпи қатнашса мажлис ваколатли ҳисобланади. Иккинчиси, мажлис иштирокчиларининг учдан икки қисми йиғилишда қатнашса у ваколатли деб топилади. Олий Мажлис палаталарининг мажлисларида иштирокчиларнинг ярмидан кўпи ва учдан икки қисми қоидаси амал қилади. Бунда давлат ва жамият ҳаёти учун долзарб масалалар бўйича қарор қабул қилишда иштирокчиларнинг учдан икки қисми бўлиши талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади. 27-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир¹⁹. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддасига кўра, Конституциявий суд ишларни суд мажлисида кўришга Конституциявий суднинг камида беш нафар судьяси иштирок этган тақдирда ваколатли бўлади²⁰. Конституциявий суднинг аъзолари сони 9 нафар бўлиши кераклиги ҳақидаги қоидадан келиб чиқилса, иштирокчиларнинг ярмидан кўп миқдори талаб қилинапти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, замонавий кенгаш институтларида регламент қоидаларини амал қилиши бўйича қуйидаги хусусиятларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

ҳар бир кенгаш институтининг регламенти алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ўз аксини топган;

вертикал тартибдаги давлат ҳокимиятининг юқори коллегиял органидан қуйи органигача кенгашларни бошқаришда ваколатли шахснинг мақоми юридик ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган;

кенгашларни чақириш даврийлиги, кенгаш иштирокчиларига муҳокама масалаларини етказиш тартиблари тасдиқланган;

кенгашда иштирок этувчиларнинг сони қатъий белгиланган ва уларнинг кенгашда иштироки бўйича кворум мавжуд.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/5534923>

²⁰ “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни // <https://lex.uz/docs/5391934>